

**Ўзбекистон Республикаси билан
Испания Қироллиги ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида
БИТИМ**

Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги, кейинги ўринларда «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

ўзларининг тегишли авиакорхоналарига қатновларни амалга оширишда адолатли ва тенг имкониятларни тақдим қилувчи ҳамда ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ рақобат қилишга имкон берувчи халқаро авиация тизимини ривожлантириш истагида,

халқаро ҳаво транспорти имкониятларининг кенгайтирилиш истагида,

халқаро ҳаво транспортида хавфсизликни энг юқори даражада таъминлаш истагида ҳамда инсонлар ва мол-мулкни хавф остида қолдирувчи ҳаво кемаси хавфсизлигига қаратилган ҳаракатлар ёки таҳдидларнинг жиддий муаммо эканлигини яна бир бор тасдиқлаган ҳолда,

1944 йил 7 декабрда Чикаго шаҳрида имзолаш учун очик деб эълон қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенциянинг иштирокчилари бўлган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Тушунчалар**

Мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллаш мақсадида, башарти мазкур Битимда бошқача тарзда назарда тутилмаган бўлса:

а) «**Конвенция**» атамаси 1944 йил 7 декабрда Чикаго шаҳрида имзолаш учун очик деб эълон қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенцияни англатади ва иккала Аҳдлашувчи Томон қай даражада ратификация этгани ҳамда кучга кирганига қараб, Конвенциянинг 90-моддасига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай Иловаларни, шунингдек Конвенциянинг 90- ва 94-моддаларига мувофиқ Конвенцияга ёки унинг Иловаларига киритилган ҳар қандай ўзгартишларни ўз ичига олади;

б) «**авиация маъмуриятлари**» атамаси Ўзбекистон Республикаси учун Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини; Испания Қироллиги учун фуқаровий даражада Тараққиёт вазирлиги (Фуқаро авиацияси бош бошқармаси) ни ёки иккала ҳолатда ҳам ушбу маъмуриятлар томонидан мазкур Битимга боғлиқ ҳар қандай вазифани

амалга ошириш учун лозим даражада ваколат берилган ҳар қандай бошқа шахс ёки органни англатади;

с) **«тайинланган авиакорхона»** атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 3-моддасига мувофиқ ва унинг иловасида белгиланган йўналишларда ва келишилган қатновларни бажариш учун тайинлаган, халқаро ҳаво қатновини амалга оширишни таъминловчи авиакорхонани англатади;

д) **«ҳудуд», «халқаро ҳаво қатнови»** ва **«нотижорий мақсадларда тўхташ»** атамалари Конвенциянинг 2- ва 96-моддаларида кўрсатилган маъноларга эга бўлади;

е) **«Битим»** атамаси мазкур Битим, унинг иловаси ва уларга киритиладиган ҳар қандай ўзгартишларни англатади;

ф) **«белгиланган йўналишлар»** атамаси мазкур Битим иловасида белгиланган ёхуд белгиланадиган йўналишларни англатади;

г) **«келишилган қатновлар»** атамаси мазкур Битим шартлари асосида белгиланган йўналишларда амалга оширилиши мумкин бўлган халқаро ҳаво қатновини англатади;

h) **«тариф»** атамаси йўловчи, багаж ва юк (почтадан ташқари) ташиш учун тўланадиган нархларни, шу жумладан, ҳаво транспорти орқали олинадиган ёки таъминланадиган ҳар қандай аҳамиятли қўшимча фойдани, шунингдек, чипталар сотуви ва товарлар ташуви учун тегишли транзакция билан боғлиқ тўланадиган комиссияни англатади. У, шунингдек, транспорт қийматидан фойдаланиш ва тегишли комиссия тўловларини амалга ошириш шартларини ҳам ўз ичига олади;

і) **«фуқаролар»** атамаси Испания Қироллигига нисбатан Европа Иттифоқи аъзо-давлатлари фуқароларини, Ўзбекистон Республикасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини англатади;

j) **«ЕИ шартномалари»** Европа Иттифоқи тўғрисида Шартномани ҳамда Европа Иттифоқининг фаолият кўрсатиши тўғрисида Шартномани англатади.

2-модда

Ҳуқуқларни тақдим этиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга мазкур Битим иловасида белгиланган йўналишлар бўйича мунтазам халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш мақсадида ушбу Битимда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни тақдим этади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан тайинланган авиакорхоналар белгиланган йўналишларда келишилган қатновларни амалга ошириш давомида қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланадилар:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан қўнмасдан учиб ўтиш;

б) ушбу ҳудудда нотижорий мақсадларда тўхташ;

с) йўловчиларни, юк ва почтани алоҳида ёки биргаликда бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги манзилларда ёки мазкур Битим иловаси шартларига мувофиқ бошқа давлат ҳудудида олиш ёки тушириш мақсадида ушбу ҳудудда мазкур Битим иловасидаги йўналишлар жадвалида кўрсатилган манзилларда тўхташ.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналаридан бошқа авиакорхоналарига ушбу модданинг а) ва б) бандларида келтирилган ҳуқуқлар кафолатланади.

4. Ушбу Битимдаги бирор қоида бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида каботаж ҳуқуқини беради деб ҳисобланмайди.

3-модда

Авиакорхоналарни тайинлаш ва эксплуатация рухсатномаларини бериш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилиш орқали белгиланган йўналишларда келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бир ёки бир неча авиакорхонани тайинлаш ва аввал тайинланган авиакорхона ўрнига бошқа авиакорхонани тайинлаш ҳуқуқига эга. Тайинланган авиакорхоналар миқдори Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари томонидан белгиланади.

2. Белгиланган шакл ва тартибда ушбу тайинланганлик тўрисидаги хабар олинганидан ва тайинланган авиакорхона мурожаат қилганидан сўнг бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур модданинг 3- ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ энг қисқа муддатларда фаолият кўрсатиш учун тегишли эксплуатация рухсатномаларини беради.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган ҳар қандай авиакорхонадан мазкур маъмурият томонидан Конвенция қоидаларига мувофиқ халқаро ҳаво қатновини амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган одатий ва асосли равишда қўлланиладиган шартларни бажара олишини асослантиришини талаб қилиши мумкин.

4. Мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган эксплуатация рухсатномаларини бериш учун қуйидагилар талаб этилади:

4.1. Испания Қироллиги томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:

4.1.1. авиакорхона Испания Қироллиги ҳудудида ЕИ шартномаларига мувофиқ тузилган бўлиши ҳамда Европа Иттифоқи қонунчилигига асосан амалдаги фаолият кўрсатиш рухсатномасига эга бўлиши; ва

4.1.2. авиакорхона фаолиятининг тартибга солиниши устидан самарали назорат Ҳаво эксплуатанти сертификатини беришга масъул бўлган Европа Иттифоқи аъзо-давлати томонидан амалга оширилиши ва таъминланиши ҳамда тайинлашда тегишли Авиация маъмурияти аниқ белгиланиши лозим;

4.2. Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:

4.2.1. авиакорхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси авиация маъмуриятлари томонидан берилган амалдаги Ҳаво эксплуатанти сертификатига эга бўлиши; ва

4.2.2. авиакорхона фаолиятининг тартибга солиниши устидан самарали назорат Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилиши ҳамда таъминланиши лозим.

5. Ушбу тарзда тайинланган ва рухсатнома олган авиакорхона исталган вақтда мазкур Битим қоидаларига мувофиқ келишилган қатновларни амалга оширишни бошлаши мумкин.

4-модда

Бекор қилиш

1. Ҳар бир Ахдлашувчи Томон бошқа Ахдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонага берилган эксплуатация ёки техник рухсатномаларни бекор қилиш ёки мазкур Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян шартларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга, бунда:

а) 1) Испания Қироллиги томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:

i) авиакорхона Испания Қироллиги ҳудудида ЕИ шартномаларига мувофиқ тузилмаган ёки Европа Иттифоқи қонунчилигига мувофиқ амалдаги фаолият кўрсатиш лицензиясига эга бўлмаса; ёхуд

ii) авиакорхона фаолияти тартибга солиниши устидан самарали назорат Ҳаво эксплуатанти сертификатини беришга масъул бўлган

Европа Иттифоқи аъзо-давлати томонидан амалга оширилмаган ёки таъминланмаган ҳамда тайинланишда тегишли Авиация маъмурияти аниқ белгиланмаган бўлса; ёки

iii) агар авиакорхонага Ўзбекистон Республикаси билан бошқа Европа Иттифоқи аъзо-давлати ўртасидаги икки томонлама битимга асосан фаолият кўрсатишга ваколат берилган бўла туриб, ушбу бошқа Европа Иттифоқи аъзо-давлати ҳудудидаги манзил орқали мазкур Битимга кўра ташиш ҳуқуқларидан фойдаланса ва бу авиакорхонанинг ушбу бошқа битим қоидаларига амал қилмаётганлигини Ўзбекистон Республикаси исбот қилса; ёки

iv) агар авиакорхона бир Европа Иттифоқи аъзо-давлати томонидан берилган Ҳаво эксплуатанти сертификатига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси билан ушбу Европа Иттифоқи аъзо-давлати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида икки томонлама битим мавжуд бўлмаса ва Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага ушбу Европа Иттифоқи аъзо-давлатига парвоз қилиш ҳуқуқини бериш рад этилса.

2) Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхонага нисбатан:

i) авиакорхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилмаган ёки Ўзбекистон Республикаси авиация маъмуриятлари томонидан берилган амалдаги Ҳаво эксплуатанти сертификатига эга бўлмаса; ёки

ii) авиакорхона фаолиятининг тартибга солиниши устидан самарали назорат Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилмаса ёки таъминланмаса;

b) авиакорхона бундай ҳуқуқларни бераётган Аҳдлашувчи Томон қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бермаса;

c) ҳар қандай ҳолатда авиакорхона ушбу Битимда белгиланган шартлар асосида келишилган қатновлардан фойдалана олмаса;

d) бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу Битимнинг 7- ва 8-моддаларига мувофиқ хавфсизлик стандартларига жавоб бермаса ёки уларни қўллай олмаса.

2. 7- ва 8-моддаларга дахл қилмаган ҳолда, мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган рухсатномани бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки муайян шартларни бажаришни талаб қилиш Аҳдлашувчи Томонларнинг қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш учун зарур бўлмаса, бундай ҳуқуқдан фақатгина бошқа Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг фойдаланилади.

5-модда

Қонун ҳужжатлари ва қоидаларининг қўлланилиши

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро ҳаво қатновларига жалб қилинган ҳаво кемасининг ёки ўз ҳудудида ҳаво кемасининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ ҳолда унинг ҳудудига учиб келиши ва учиб кетишини назорат қилувчи қонун ҳужжатлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхоналари ҳаво кемаларига нисбатан қўлланилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудига йўловчилар, экипаж аъзолари, багаж, почта ва юкнинг кириши, ҳаракатланиши, у ерда бўлиши ва жўнаб кетишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шунингдек, мамлакатга кириш-чиқиш, иммиграция, божхона ва санитария қоидалари ушбу ҳудудда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига нисбатан қўлланилади.

6-модда

Сертификат ва лицензияларни тан олиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ берилган ёки ҳақиқий деб тан олинган ва амал қилиш муддати ўтмаган учигша яроқлилиқ сертификатлари, эксплуатант сертификатлари ва лицензиялари ушбу Битим иловасида белгиланган йўналишларда келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан ҳақиқий деб тан олинади, башарти бундай сертификат ва лицензиялар берилиши ёки ҳақиқий деб тан олиниши учун асос бўлган талаблар Конвенцияга мувофиқ белгиланган минимал стандартларга тенг ёки улардан юқорироқ бўлса.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз фуқароларига унинг ҳудудидан учиб ўтиш ёки ҳудудида қўниш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон берган эксплуатант сертификатлари ва лицензияларининг ҳақиқийлигини тан олишни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-модда

Парвозлар хавфсизлиги

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда ҳаво экипажи, ҳаво кемаси ёки уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ исталган соҳада бошқа Аҳдлашувчи Томон қабул қилган хавфсизлик стандартлари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисида мурожаат

килиши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар мурожаатдан сўнг 30 кун мобайнида ўтказилади.

2. Башарти бундай маслаҳатлашувлар натижасида бир Аҳдлашувчи Томон исталган қайд этилган соҳада айни пайтда камида Конвенцияда белгиланган минимал стандартларга тенг бўлган хавфсизлик стандартларини бошқа Аҳдлашувчи Томон самарали таъминламаётганлиги ва юритмаётганлигини аниқласа, биринчи Аҳдлашувчи Томон бундай хулосалар ва ушбу минимал стандартларга риоя этиш юзасидан зарур деб ҳисобланган чора-тадбирлар тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилади, бошқа Аҳдлашувчи Томон эса тегишли тузатиш чораларини кўради. Бошқа Аҳдлашувчи Томон тегишли чора-тадбирларни 15 кун давомида ёки бошқа келишилган муддат мобайнида амалга ошира олмаслиги мазкур Битимнинг 4-моддасини (Бекор қилиш) қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

3. Конвенциянинг 33-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналари томонидан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига ёки ҳудудидан ҳаво қатновлари учун фойдаланилаётган ҳар қандай ҳаво кемаси бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг ваколатли вакиллари томонидан ҳаво кемаси ва экипажи ҳужжатларининг ҳақиқийлигини, шунингдек, ҳаво кемаси ҳамда асбоб-ускунасининг муайян ҳолатини аниқлаш мақсадида ҳаво кемаси бортида ёки унинг атрофида текширувдан (мазкур моддада «перрон текшируви» деб аталади) ўтказилиши мумкин, башарти бундай текширув асоссиз кечиктирувга олиб келмаса.

4. Агар бундай перрон текшируви ёки бир неча текширувлари натижасида:

а) ҳаво кемаси ёки ҳаво кемасининг эксплуатацияси Конвенцияга мувофиқ айни пайтда белгиланган минимал стандартларга мос келмаслиги тўғрисида жиддий хавотир туғилса, ёки

б) Конвенцияга мувофиқ айни пайтда белгиланган хавфсизлик стандартларининг самарали таъминланиши ва юритилишида камчилик борлиги тўғрисида жиддий хавотир туғилса,

текширув ўтказаётган Аҳдлашувчи Томон Конвенциянинг 33-моддасига мувофиқ, ушбу ҳаво кемаси ёки унинг экипажига нисбатан сертификат ёки рухсатномаларни тақдим қилиш ёки ҳақиқий деб тан олиш учун белгиланган талаблар ёхуд ушбу ҳаво кемасидан фойдаланиш учун белгиланган талаблар Конвенцияга мувофиқ ўрнатилган минимал стандартларга тенг эмас ёки улардан юқорироқ эмас, деган хулоса чиқаришга ҳақли.

5. Агар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси ёки авиакорхоналари томонидан фойдаланилаётган ҳаво кемасида юқоридаги 3-бандга мувофиқ перрон текширувини ўтказишга ушбу авиакорхона ёки авиакорхоналарнинг вакили йўл қўймаса, бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг 4-бандида назарда тутилган турдаги жиддий хавотирлар мавжуд деган фикрга келиш ва ушбу бандда белгиланган ҳулосалар чиқаришга ҳақли.

6. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхонаси ёки авиакорхоналарига берилган эксплуатация рухсатномасини дарҳол тўхтатиб қўйиш ёки ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, башарти биринчи Аҳдлашувчи Томон перрон текшируви ёки бир неча перрон текширувларини ўтказиш натижасида, перрон текшируви ўтказишни рад қилиш, маслаҳатлашувлар ёки бошқа ҳолатлар натижасида авиакорхона фаолияти хавфсизлиги учун тезкор чоралар қўрилиши лозим деган ҳулосага келса.

7. Ушбу модданинг 2- ёки 6-бандига мувофиқ Аҳдлашувчи Томонлардан бири қўллаётган ҳар қандай чоралар уларга сабаб бўлган асослар бартараф қилиниши билан тугатилади.

8. Испания Қироллиги Европа Иттифоқининг аъзо-давлати томонидан тартибга солиш назорати амалга ошириладиган ва таъминланадиган авиакорхонани тайинласа, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳуқуқлари мазкур модда доирасида ушбу бошқа Европа Иттифоқи аъзо-давлати томонидан хавфсизлик стандартларининг қабул қилиниши, қўлланилиши ёки таъминланишига нисбатан ҳам ва ушбу авиакорхонанинг эксплуатация рухсатномасига нисбатан ҳам бир хилда қўлланилади.

8-модда

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро ҳуқуқ доирасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ, фуқаро авиацияси хавфсизлигини қонунга ҳилоф аралашув шаклларида ҳамоя қилиш бўйича бир-бирлари олдидаги мажбуриятлари ушбу Битимнинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлайдилар. Халқаро ҳуқуқ доирасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг умумийлигини чекламаган ҳолда, Аҳдлашувчи Томонлар, хусусан, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятчилик ва бошқа баъзи ҳаракатлар тўғрисида Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаб олишга қарши

курашиш тўғрисида Конвенция, 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида Конвенция ҳамда унга қўшимча сифатида 1988 йил 24 февралда Монреалда имзоланган Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатаётган аэропортларда ноқонуний куч ишлатиш ҳаракатларига қарши курашиш тўғрисида Баённома, 1991 йил 1 мартда Монреалда имзоланган Пластик бомбаларни топиш мақсадида маркировка қилиш тўғрисида Конвенция ҳамда ушбу соҳадаги иккала Аҳдлашувчи Томон учун кучга кирган кўп томонлама битимлар қоидаларига мувофиқ иш олиб борадилар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар сўров асосида ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаб олиш ҳамда ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, аэропортлар ва аэронавигация воситаларига қарши бошқа ноқонуний ҳаракатлар, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига ҳар қандай бошқа таҳдидларнинг олдини олишда бир-бирларига барча зарурий кўмак кўрсатадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ўрнатилган ва Конвенцияга илова сифатида белгиланган авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш олиб борадилар, башарти бундай қоидалар Аҳдлашувчи Томонларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлса. Улар Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудида рўйхатдан ўтган ёхуд уларнинг ҳудудида асосий фаолият жойи ёки бош офиси жойлашган ҳаво кемалари эксплуатантларидан ёхуд Испания Қироллиги ҳолатида, унинг ҳудудида Европа Иттифоқи шартномаларига мувофиқ таъсис этилган ва Европа Иттифоқи қонунчилигига мувофиқ амалдаги эксплуатация рухсатномасига эга бўлган ҳаво кемалари эксплуатантларидан ҳамда ўз ҳудудларидаги аэропортлар эксплуатантларидан бундай хавфсизлик қоидаларига мувофиқ иш олиб боришни талаб қиладилар.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон юқоридаги бандда таъкидланган бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемалари эксплуатантларидан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кириш, чиқиш ёки у ерда вақтинчалик бўлиш билан боғлиқ авиация хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш талаб этилишига розилик билдиради. Испания Қироллиги ҳудудида бўлиш ёки ундан жўнаш вақтида ҳаво кемалари эксплуатантларидан ушбу мамлакатда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Испания Қироллиги ҳудудида бўлиш ёки ундан жўнаш вақтида ҳаво кемалари эксплуатантларидан Европа Иттифоқи қонунчилигига мувофиқ авиация хавфсизлиги қоидаларига ҳамда Испаниянинг ушбу соҳада

амалда бўлган тартиб-қоидаларига риоя қилиниши талаб этилади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудудида ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳаво кемасига чиқишдан ёки юкларни ортишдан олдин ёхуд улар давомида йўловчилар, экипаж аъзолари, қўл юки, багаж, юк ва ҳаво кемаси захираларини текшириш бўйича самарали зарурий чоратадбирлар кўрилишини таъминлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, шунингдек, муайян таҳдидни бартараф этиш учун асосли, махсус хавфсизлик чораларини кўриш тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар қандай сўровини хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

5. Агар фуқаро ҳаво кемасини ноқонуний қўлга киритиш ёхуд бундай ҳаво кемасига, унинг йўловчиларига ва экипаж аъзоларига, аэропортларга ёки аэронавигация воситаларига қарши қаратилган бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир бўлса ёки содир бўлиш хатари мавжуд бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқаларни енгиллаштириш йўли билан ёхуд бундай ҳодиса ёки хатарни зудлик билан ва хавфсиз тарзда олдини олиш мақсадида бошқа тегишли чоралар кўриш орқали бир-бирларига ёрдам берадилар.

6. Агар бир Аҳдлашувчи Томонда бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаётганлиги ҳақида хулосага келиш учун ўринли асослар мавжуд бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга қисқа муддатларда маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

7. Мазкур Битимнинг 4-моддасига (Бекор қилиш) дахл қилмаган ҳолда, бундай мурожаатдан сўнг ўн беш (15) кун ичида қониқарли келишувга эришилмаслик иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг авиакорхоналарига берилган эксплуатация ёки техник рухсатномаларни тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш, чеклаш ёки улардан фойдаланишда қўшимча шартлар киритиш учун асос бўлади.

8. Шошилиш ва фавқулодда хавф туфайли зарурият туғилганда, Аҳдлашувчи Томон ўн беш (15) кунлик муддат ўтишидан олдин вақтинчалик чоралар кўриши мумкин.

9. Юқоридаги 7-бандга мувофиқ қўлланилган барча чоралар бошқа Аҳдлашувчи Томон мазкур модда қоидаларига риоя қилишни бошлаши билан тугатилади.

9-модда

Аэропорт йиғимлари

Ҳар бир аэропортдан фойдаланганлик учун, шу жумладан, унинг жиҳозлари, техник ва бошқа воситалари ҳамда хизматларидан

фойдаланганлик учун олинадиган йиғимлар ва бошқа тўловлар, шунингдек, навигация ва алоқа воситалари ҳамда хизматларидан фойдаланганлик учун олинадиган ҳар қандай йиғимлар ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан ўз ҳудудида Конвенциянинг 15-моддасига мувофиқ жорий этилган тариф ва нархлар асосида белгиланади, бунда мазкур тўловлар юқорида қайд этилган аэропорт ва хизматлардан фойдаланганлик учун шу каби халқаро қатновларга жалб этилаётган ўз миллий ҳаво кемалари амалга оширадиган тўловлар миқдоридан ошмаслиги лозим.

10-модда

Тўловлардан озод этиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари халқаро қатновларда фойдаланиладиган ҳаво кемалари, шунингдек ҳаво кемаси бортидаги жорий жиҳозлари (ҳаво кемасини эксплуатация қилишда фойдаланиладиган зарурий жиҳозлар), ёқилғи-мойлаш захиралари ва ҳаво кемаси захиралари (шу жумладан, озиқ-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари) ўзаролик асосида ва тегишли қонунчиликка мувофиқ барча импорт чекловларидан, мол-мулк ва капитал солиқларидан, божхона божлари, махсус солиқ ва йиғимлардан ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида олинадиган шу каби тўлов ва бошқа йиғимлардан ушбу жиҳоз ва захиралар ҳаво кемалари бортида уларни қайта олиб чиқиб кетгунга қадар қолиши шарти билан озод этилади.

2. Қуйидагилар ҳам бундай солиқлар ва йиғимлардан бир хилда озод этилади, кўрсатилган хизматлар учун олинадиган тўловлар бундан мустасно:

а) ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро ҳаво қатновларига жалб қилинган ҳаво кемасининг бортида фойдаланиш учун ушбу Аҳдлашувчи Томон маъмуриятлари ўрнатган чекловлар миқдорида олинган ҳаво кемаси борт захиралари;

б) бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан халқаро ҳаво қатновларида фойдаланиладиган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ёки уни таъмирлаш учун олиб кирилган эҳтиёт қисмлари;

с) бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан халқаро ҳаво қатновларида эксплуатация қилинадиган ҳаво кемаси бортига олинган ва унда ишлатиш учун мўлжалланган ёқилғи ва мойлаш материаллари, ҳатто мазкур захиралар ҳаво кемаси бортига

олинган Аҳдлашувчи Томон ҳудуди бўйлаб парвоз қисмида ишлатилган тақдирда ҳам;

d) авиакорхонанинг белгиси бўлган чипталар, юк хати ва барча турдаги босма материаллар, тайинланган авиакорхоналар томонидан текинга тарқатиладиган одатий реклама материаллари;

e) аэропортларда ва юк терминалларида фойдаланиладиган авиация хавфсизлиги ва химоя ускуналари.

3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаво кемаси бортидаги одатий борт жиҳозлари, шунингдек, эҳтиёт қисмлар ва захиралар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида фақатгина мазкур Аҳдлашувчи Томон божхона органларининг розилиги билан туширилиши мумкин. Бундай ҳолатда, улар божхона қонунчилигига мувофиқ қайта олиб чиқилгунига қадар ёки бошқача тарзда йўқ қилингунига қадар юқорида қайд этилган органларнинг назорати остида бўлади.

4. Ушбу моддада қайд этилган имтиёзлар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари бошқа авиакорхоналар билан мазкур моддада назарда тутилган жорий жиҳозлар ва ўзга ашёларни бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида қарзга олиш ёки ўтказиш бўйича келишувлар тузган ҳолатларга ҳам тадбиқ этилади, башарти ушбу бошқа авиакорхона ёки авиакорхоналарга мазкур бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан бир хил имтиёзлар тақдим қилинган бўлса.

5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан транзит орқали ўтаётган йўловчилар ва уларнинг багажларини назорат қилиш божхона қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Бевосита транзит орқали ўтаётган багаж ва юклар божхона божи ва бошқа солиқлардан озод қилинади.

6. Мазкур моддада қайд этилган имтиёзлар божхона қонунчилигида белгиланган процедураларга мувофиқ тақдим этилади.

11-модда

Солиқ тизими

Башарти Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш учун авиакорхоналарнинг солиқ тизимини тартибга солувчи Битим тадбиқ этилмаса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида самарали бошқарув бош офиси жойлашган унинг тайинланган авиакорхоналарини ўзаролик асосида, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг қонуний белгиланган расмий мажбуриятларига дахл

қилмасдан, ҳаво қатновини амалга оширишдан олинган фойда ва даромадлар бўйича барча солиқлар ва йиғимлардан озод этади.

12-модда

Ҳажм

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига мазкур Битимда белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш учун адолатли ва тенг имкониятлар тақдим этилади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари таъминлайдиган парвозлар такрорийлиги, ҳажми ва ташиш ҳуқуқлари Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари ўртасида муҳокамалар йўли билан келишилган бўлиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонлар тайинлаган авиакорхоналар парвозлар бошланишидан камида ўттиз (30) кун олдин парвоз жадвалларини тасдиқлаш учун иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларига тақдим этиши лозим. Жадвалларни тасдиқлаш учун авиакорхоналар, хусусан, парвозлар такрорийлиги, жадваллар ва фойдаланиладиган ҳаво кемаси турлари тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олувчи ташувлар дастурини тақдим этишлари лозим.

4. Тасдиқланган жадвалга киритиладиган ҳар қандай кейинги ўзгартиришлар тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим.

5. Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг бир ёки ундан ортиқ авиакорхоналари амалга ошираётган қатновларини ушбу моддада назарда тутилган талаблар ва принципларга мувофиқ эмас деб ҳисобласа, қатновларни текшириш ва ўзаролик асосида зарур деб ҳисобланган ҳар қандай чораларни белгилаб олиш мақсадида мазкур Битимнинг 16-моддасига мувофиқ маслаҳатлашувлар ўтказилишини сўраши мумкин.

13-модда

Тарифлар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари томонидан мазкур Битимга мувофиқ амалга ошириладиган қатновлардаги халқаро ташувлар учун ундириладиган тарифлар барча тегишли омилларни, шу жумладан, эксплуатация харажатлари, хизмат кўрсатиш хусусиятлари, фойдаланувчилар манфаатлари, оқилона фойда ва бозор билан боғлиқ бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда, асосли даражада эркин белгиланади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томонда амалда бўлган рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига дахл қилмаган ҳолда, ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига мазкур Битимда назарда тутилган ҳаво қатновлари бўйича халқаро ташувлар учун ундирилиши таклиф қилинаётган ёки ундирилаётган самарали тарифни жорий қилиш ёхуд давом эттириш учун тўсқинлик қилишга қаратилган бир томонлама чора кўрмаслиги лозим. Аҳдлашувчи Томонларнинг аралашуви қуйидагилар билан чекланиши лозим:

а) асоссиз камситувчи нархлар ёки амалиётларнинг олдини олиш;

б) ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиш орқали асоссиз равишда белгиланган юқори ёки чеклаб қўядиган нархлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш;

с) бевосита ёки билвосита субсидия ёки қўллаб-қувватлаш орқали сунъий пасайтирилган нархлардан авиакорхоналарни ҳимоя қилиш;

д) рақобатни бартараф этиш ниятини тасдиқлайдиган далил мавжуд бўлган ҳолда, сунъий пасайтирилган нархлардан авиакорхоналарни ҳимоя қилиш.

3. Башарти бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари муайян тариф мазкур модданинг 2.а, 2.б, 2.с ва 2.д бандларида назарда тутилган тоифаларга тегишли эканини аниқласа, улар қисқа муддатда ушбу ҳолатнинг номақбуллиги тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ва тегишли авиакорхонасига асослантирилган тарзда хабарнома юбориши лозим ҳамда мазкур модданинг 4-бандида назарда тутилган процедураларга мувофиқ маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятларидан ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхонаси биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудига ёки унинг ҳудудидан амалга ошираётган халқаро ташувлар учун тадбиқ этилаётган ҳар қандай тарифларга, жумладан, номақбуллиги тўғрисида хабарнома юборилган тарифларга оид маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Ушбу маслаҳатлашувлар сўровнома қабул қилинганидан сўнг ўттиз (30) кундан кечиктирилмасдан ўтказилиши лозим. Аҳдлашувчи Томонлар масаланинг оқилона ҳал этилиши учун зарур бўлган ахборотни ҳимоя қилишда ҳамкорлик қиладилар. Башарти номақбуллиги тўғрисида хабарнома юборилган тариф бўйича келишувга эришилган бўлса, Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари бундай

келишувни амалга ошириш учун барча чора-тадбирларни кўрадилар. Агар бундай ўзаро келишувга эришилмаган бўлса, тариф кучга киради ёки амал қилишда давом этади.

14-модда

Тижорат имкониятлари

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари ўзаролик асосида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ўз офислари ва вакиллари, шунингдек, келишилган қатновларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган тижорат, эксплуатацион ва техник ходимларини сақлашлари мумкин.

2. Ходимларга бўлган талаб ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари хоҳишига кўра ўз ходимлари ҳисобига ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида фаолият юритувчи ва ушбу ҳудудда бундай хизматлар кўрсатиш учун ваколатга эга бўлган ҳар қандай бошқа ташкилот, компания ёки авиакорхоналар хизматларидан фойдаланиш ҳисобига қондирилиши мумкин.

3. Вакиллар ва ходимлар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалда бўлган қонун ҳужжатларига риоя қилишлари лозим ҳамда ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаролик асосида ва энг қисқа муддатларда мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган вакиллар ва ходимларга яшаш ва меҳнат фаолиятини олиб бориш учун рухсатномалар, визалар, шунингдек, зарур ҳолларда, бошқа шу каби ҳужжатлар берилишини кўриб чиқади.

4. Алоҳида ҳолатларда ходимларнинг фавқулодда ва вақтинчалик бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига киришлари ёки у ерда бўлишлари талаб этилса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинадиган рухсатномалар, виза ва бошқа ҳар қандай ҳужжатларни бериш бундай ходимларнинг ушбу давлат ҳудудига киришларини кечиктирмайдиган даражада қисқа муддатларда кўриб чиқилиши лозим.

5. Ҳар бир тайинланган авиакорхона бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ўз-ўзига ер усти хизматини кўрсатиши ёки бундай хизматларни кўрсатиш учун ваколатга эга ҳар қандай етказиб берувчилар билан ўз хоҳишига кўра, тўлиқ ёхуд қисман, ер усти хизматини кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Агар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ер усти хизматларига нисбатан қўлланиладиган қонун ҳужжатлари тайинланган авиакорхоналарга ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки бундай хизматлар бўйича шартномалар тузиш эркинлигини чекласа ёки унга тўсқинлик қилса, ҳар бир

тайинланган авиакорхона ўз-ўзига шундай хизмат кўрсатишда ва бошқа етказиб берувчи ёки етказиб берувчилар кўрсатадиган ер усти хизматларидан фойдаланишда камситилмаслиги лозим.

6. Халқаро ташувларда банд бўлган ҳар қандай бошқа авиакорхонага нисбатан ўзаролик ва камситмаслик асосида Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари иккала Аҳдлашувчи Томон ҳудудларида бевосита ёки агент орқали ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ ҳаво қатнови хизматларини ҳар қандай пул бирлигида эркин кўрсатишлари мумкин.

7. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси авиачипта сотилган ҳудуддан ўз давлати ҳудудига авиачипта сотилган ҳудуддаги харажатлардан ортиб қолган пул маблағларини эркин ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай ўтказмалар бевосита ёки ҳаво қатнови агенти орқали сотувлардан, ёрдамчи ёки қўшимча хизматлардан олинган даромадни ҳамда ўтказмалар амалга оширилгунига қадар депозитда бўлган бундай даромадлардан олинган одатдаги тижорат фоизларини ўз ичига олади.

8. Бундай пул ўтказмалари ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалдаги молиявий мажбуриятларга дахл қилмаган ҳолда амалга оширилади.

9. Аҳдлашувчи Томонлар тайинлаган авиакорхоналарга маблағларни белгиланган муддатларда мурожаат вақтида амалда бўлган расмий айирбошлаш курси бўйича эркин конвертация қилинадиган валютада ўтказиш учун тегишли рухсатнома берилади.

10. Тайинланган авиакорхоналарга мазкур Битим иловасининг 2-бандига мувофиқ код-шер битимларини тузишга рухсат этилади.

11. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудидаги ёки учинчи давлатлар ҳудудидаги ҳар қандай манзилга ёки манзилдан ҳар қандай ер усти ташувларидан фойдаланишга рухсат этилади. Авиакорхоналар ер усти ташувларини ўзлари амалга оширишлари ёки бошқа ер усти ташувчилари билан тузиладиган келишувлар, шу жумладан, код-шер орқали амалга оширишни танлашлари мумкин. Бундай интермодал хизматлар тўхташларсиз қатнов сифатида ҳамда ҳаво ва ер усти аралаш ташуви учун ягона нархда таклиф қилиниши мумкин, башарти бундай ташувларга жалб этилган етказиб берувчилар тўғрисида йўловчилар ва юк жўнатувчилар хабардор қилинган бўлса.

15-модда

Статистик маълумотлар

Бир Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари Аҳдлашувчи Томонлардан бири тайинлаган авиакорхоналар келишилган қатновлар доирасида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига ёки ҳудудидан амалга оширган парвозларга оид ахборотлар ёки статистик маълумотларни бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларига сўров асосида тақдим этиши лозим, бунда улар тайинланган авиакорхоналар томонидан тайёрланган ва миллий авиация маъмуриятларига тақдим этилган шаклда бўлиши лозим. Бир Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятларидан сўраши мумкин бўлган қатновларга оид ҳар қандай қўшимча статистик маълумот Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг сўровига асосан ўтказиладиган иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасидаги муҳокамалар мавзуси ҳисобланади.

16-модда

Маслаҳатлашувлар

Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари мазкур Битим қоидаларини қўллаш ва уларга лозим даражада риоя қилишни таъминлаш мақсадида вақти-вақти билан яқин ҳамкорлик руҳида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

17-модда

Низоларни ҳал этиш

1. Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай низо вужудга келган тақдирда, Аҳдлашувчи Томонлар, биринчи навбатда, уни бевосита музокара ўтказиш йўли билан ҳал этишга интиладилар.

2. Башарти Аҳдлашувчи Томонлар низони музокара йўли билан ҳал этишга эришмасалар, ушбу низони ҳал этиш учун бир Аҳдлашувчи Томон сўровига кўра Аҳдлашувчи Томонлар биттадан тайинлаган арбитрлар ҳамда тайинланган мазкур икки арбитр томонидан тайинланган учинчи арбитрдан иборат уч нафар арбитр таркибидаги трибуналга мурожаат қилиниши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томондан дипломатик каналлар орқали арбитраж ўтказилиши бўйича сўровнома келиб тушган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида арбитрни тайинлаши

лозим. Учинчи арбитр эса иккинчи арбитр тайинланганидан бошлаб кейинги олтмиш (60) кун ичида тайинланиши лозим. Учинчи арбитр бошқа давлат фуқароси бўлиши лозим ва трибунал президенти сифатида фаолият олиб боради ҳамда арбитраж ўтказиш жойини белгилайди. Башарти Аҳдлашувчи Томонлар ўз арбитрларини юқорида қайд этилган муддатларда тайинлай олмасалар, у ҳолда Аҳдлашувчи Томонлардан бири Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти кенгаши Президентидан заруратга қараб арбитр ёки арбитрларни тайинлашни сўраши мумкин. Бундай ҳолатда учинчи арбитр учинчи давлат фуқароси бўлиши ва трибунал президенти сифатида фаолият олиб бориши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонлар трибунал президенти томонидан мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай қарорга амал қилиш мажбуриятини оладилар.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзи тайинлаган арбитр учун харажатлар ва мукофотларни қоплашни ўз зиммасига олади, учинчи арбитр учун, шунингдек, арбитраж фаолияти билан боғлиқ зарурий харажатлар ва тўловлар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида тенг тақсимланади.

18-модда

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатдан ўтиш

Мазкур Битим, шу жумладан, унга ҳар қандай ўзгартишлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

19-модда

Ўзгартишлар

1. Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур Битимнинг бирор қоидаларини ўзгартириш лозим деб ҳисобласа, бошқа Аҳдлашувчи Томондан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин. Бундай маслаҳатлашувлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмуриятлари ўртасида муҳокамалар ёки ёзишмалар орқали амалга оширилиши мумкин ҳамда сўровнома келиб тушган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим. Шу тарзда келишилган ҳар қандай ўзгартишлар мазкур Битимнинг 22-моддасига мувофиқ кучга киради.

2. Мазкур Битимнинг иловасига ўзгартишлар Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли авиация маъмуриятлари ўртасида тўғридан-тўғри келишув орқали киритилади ҳамда дипломатик ноталар

алмашинуви билан тасдиқланади. Бундай маслаҳатлашувлар муҳокамалар ёки ёзишмалар орқали амалга оширилиши мумкин ҳамда сўровнома келиб тушган санадан бошлаб олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим.

20-модда

Кўп томонлама конвенциялар

Иккала Аҳдлашувчи Томон мазкур Битим кучга кирганидан сўнг у билан тартибга солинадиган масалаларга тааллуқли кўп томонлама конвенция ёки шартнома тузган ҳолларда, Аҳдлашувчи Томонлар бундай кўп томонлама конвенция ёки шартнома қоидаларига мос келтириш учун мазкур Битимни қайта кўриб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

21-модда

Битим амал қилишининг тугатилиши

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Битимнинг амал қилишини тугатиш қарори тўғрисида хабардор қилиши мумкин. Ушбу хабарнома бир вақтнинг ўзида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига ҳам юборилиши лозим. Бундай ҳолларда Битимнинг амал қилиши бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарномани қабул қилган санадан бошлаб ўн икки (12) ойдан сўнг бекор қилинади, башарти бу муддат тугашидан олдин ўзаро келишувга кўра хабарнома қайтариб олинмаса. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қабул қилганлиги тасдиқланмаса, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти хабарномани олган санадан бошлаб ўн тўрт (14) кун ўтгач, хабарнома қабул қилинган деб ҳисобланади.

22-модда

Кучга кириши

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида дипломатик каналлар орқали сўнгги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб ўттизинчи (30) куни кучга киради.

Бунинг тасдиғи сифатида, ўз ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколат берилган қуйида имзо чекувчилар ушбу Битимни имзоладилар.

Мадрид шаҳрида 2017 йил 14 ноябрда икки асл нусхада ўзбек, испан ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси
номидан



Испания Қироллиги
номидан



**Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида
ҳаво қатнови тўғрисида Битимга**

1-ИЛОВА

1-банд

Йўналишлар жадвали

I-бўлим

Испания Қироллигининг авиация маъмуриятлари томонидан тайинланган авиақорхоналар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳаво қатновларини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

Испания Қироллигидаги манзиллар	Оралиқ манзиллар	Ўзбекистон Республикасидаги манзиллар	Ташқи манзиллар
Исталган манзиллар	Исталган	Исталган манзиллар	Исталган

II-бўлим

Ўзбекистон Республикаси авиация маъмуриятлари томонидан тайинланган авиақорхоналар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳаво қатновларини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикасидаги манзиллар	Оралиқ манзиллар	Испания Қироллигидаги манзиллар	Ташқи манзиллар
Исталган манзиллар	Исталган	Исталган манзиллар	Исталган

Эслатма:

1. Тайинланган авиақорхоналар илованинг I- ва II-бўлимларида кўрсатилган йўналишлардаги бир ёки бир неча манзиллар кетма-кетлигини тўлиқ ёки қисман ўзгартириши ёхуд тушириб қолдириши мумкин, башарти жўнаш манзили ушбу авиақорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлса.

2. Бешинчи эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларисиз фойдаланилаётган, I- ва II-бўлимларда кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манзиллар ва Испания Қироллиги ҳудудидаги манзиллар ҳамда иккала йўналишларда ўрнатилган оралиқ ва ташқи манзиллар қатновлар бошланишидан 10 кун олдин ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари тарафидан эркин танланган ва келишилган бўлиши лозим. Дастлабки танланган манзиллар шу тартибда ўзгартирилиши мумкин.

3. Оралиқ манзиллар ёки ташқи манзиллар ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги манзиллар ўртасида бешинчи эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи қўлланилмайди, башарти икки Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасида бу масала юзасидан келишувга эришилмаган бўлса.

4. Тайинланган авиакорхона томонидан бешинчи эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи асосида фойдаланилаётган юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича ташқи ва оралиқ манзиллар иккала Аҳдлашувчи Томон авиация маъмуриятлари ўртасидаги битимда кўрсатилади.

2-банд

Код-шер

1. Белгиланган йўналишларда келишилган қатновларни амалга ошириш мобайнида, иккала Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари Аҳдлашувчи Томонларнинг исталган авиакорхонаси билан ёки учинчи давлатнинг тегишли ҳуқуқларга эга бўлган авиакорхонаси билан ўринларни блоклаш ёки код-шер каби ҳамкорликда маркетинг битимларини тузишлари мумкин. Агар учинчи давлатнинг авиакорхонаси бўлса, тегишли учинчи давлат бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхоналари ва бошқа авиакорхоналар ўртасида бундай учинчи давлатга ёки давлатдан ёхуд бундай давлат орқали қатновлар учун битимлар тузишга ваколат ёки имкон бериши лозим.

2. Агар тайинланган авиакорхона код-шер битими асосида ташувчи авиакорхона сифатида қатновларни амалга ошираётган бўлса, амалга оширилаётган ҳажмлар бундай авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон ҳажмларидан чиқариб ташланади.

3. Бошқа авиакорхоналарнинг хизматлари бўйича ҳамкор (маркетинг) авиакорхона сифатида фаолият юритаётган тайинланган авиакорхона томонидан таклиф қилинаётган ҳажм, мазкур авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга тақдим қилинган ҳажмга таъсир қилмаслиги лозим.

4. Бешинчи эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи код-шер битимиға асосан йўналишдаги ҳамкор авиақорхоналар томонидан қўлланилмайди.

5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиақорхоналари код-шер операцияларига жалб этилган ҳаво кемалари ўртасида, уларнинг сони, ҳажми ва турини чекламасдан, қатновларни тақдим қилишлари мумкин, башарти қатновлар тўғридан-тўғри парвоз сифатида жадвалда белгиланган бўлса.

6. Код-шер доирасидаги қатновлар Аҳдлашувчи Томонлар одатда бундай хизматларга нисбатан қўллайдиган йўловчиларнинг ҳимояси ва уларга тааллуқли маълумот, хавфсизлик, жавобгарлик ва бошқа талаблар ҳамда халқаро ташишларни амалга оширадиган бошқа авиақорхоналарга умумий қўлланиладиган ҳар қандай бошқа талабларга жавоб бериши лозим.

7. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиақорхоналари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмуриятига парвозларни амалга оширишни бошлаш таклиф қилинган санадан камида ўттиз (30) кун олдин тегишли парвозлар дастури ва жадвалини кўриб чиқиш ҳамда зарур ҳолларда тасдиқлаш учун тақдим қилишлари лозим.